

Коинотнинг забт этилиши

05:00 / 09.03.2017 7081

Коинотни амалий ўрганиш ва унга парвоз қилишга илк уринишлар 1957 йил 4 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдоши учирилгандан сўнг шиддат билан ривожланиб кетди. Совет космонавти Юрий Гагарин Ер орбитасига чиққан биринчи инсон бўлди. 1969 йил 16 июлда АҚШ томонидан учирилган “Аполлон-11” космик кемасида учган фазогирлар Ойга илк қадам босган инсонлар бўлдилар.

Коинотнинг забт этилиши Қуръони Каримда одамларнинг коинотни забт этишда катта муваффақиятлар қозониши, ҳатто уларнинг очиқ космосга чиқиши ҳақида ҳам ояти карималар нозил бўлган. Бу оятлар нозил бўлган деярли бир ярим минг йил аввалги даврда космик аппаратлар тугул, ҳатто коинотни кузатувчи энг оддий асбоблар ҳам мавжуд бўлмаган.

Эй жин ва инс жамоаси! Агар сизлар (Аллоҳнинг жазосидан қочиб) осмонлар ва ер чегараларидан ўтиб кетишга қодир бўлсангизлар, у ҳолда ўтиб кетаверинглар! Сизлар фақат куч-қудрат билангина ўта олурсизлар, (лекин у Кунда сизларда ҳеч қандай куч-қудрат бўлмас)!

Раҳмон сураси, 33-оят

Эътибор беринг, ояти каримада инсонлар Ердан узоқлашиб, коинотга чиқа олишлари ёки Ернинг қаърига кира олишлари учун катта куч-қудрат кераклиги ҳақида хабар берилмоқда. Тахмин қилиш мумкинки, бу ерда “куч-қудрат” деганда йигирманчи асрга келиб ихтиро қилинган ва ясалган юксак технологияли учиш асбоблари ҳақида гап бормоқда. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида мазкур ояти каримада келтирилган хабарлар рўёбга чиқди - инсон коинотни забт этишга киришди.